

« 05 » май 2020 йил

№ К-381

**Махсус техникалар орқали
истеъмолчиларга тоза ичимлик
суви етказиб бериш чора-
тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194- сонли қарори билан тасдиқланган “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш” Қоидаларининг 118-банди ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6,25-моддаларига мувофиқ, истеъмолчиларга махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериш хизмати учун тўловлар таърифларини белгилаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Марказлаштирилган коммунал сув тармоғидан таъминлаш имконияти бўлмаган пунктлар аҳолиси (истеъмолчилари)га махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб берилсин.

2. Туман Ободонлаштириш бошқармаси марказлаштирилган коммунал сув тармоғидан таъминлаш имконияти бўлмаган пунктларга махсус автотранспорт ёрдамида ичимлик сувини етказиб берувчи масъул ташкилот қилиб белгилансин.

3. Туман Ободонлаштириш бошқармаси томонидан аҳоли (истеъмолчилари)га махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериладиган ҳудудлар, ичимлик суви миқдори, муддати ва етказиб бериш хизмати учун тўловлар таърифлари нархлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Туман Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи (Ш.Ҳайдаров)га:
-ичимлик сувини белгиланган тартибда шартнома асосида махсус автотранспорт воситалари орқали ўз вақтида, тўлиқ етказиб берилишини;

-истеъмолчиларга етказиб берилган ичимлик суви бўйича ҳисоб-китобларни белгиланган тартибда ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш топширилсин.


5. Туман ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари(Ф.Холмўминов), “Бойсун”газетаси таҳририяти бош муҳарири (Х.Қараев)га мазкур қарорни газета орқали расмий эълон қилинишини ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини, электрон шаклда бир кунлик муддатда ижрочилар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига етказилишини ташкиллаштирсин.


6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Ш.Нормўминов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

А.Жўраев





**Бойсун туман Ободонлаштириш бошқармаси томонидан туман
худудидаги аҳоли (истеъмолчилари)га махсус техникалар орқали тоза
ичимлик суви етказиб бериш ичимлик суви миқдори, муддати ва
етказиб бериш хизмати учун тўловлар таъриф нархлари**

№	Худуд номи	Миқдори (тн)	Муддати	Суволиш нукдасидан аҳоли пунктигача бўлган ўртача масофа (км)	Худудлар бўйича ҚҚСсиз ўртача таъриф	
					Сўм (1тн)	Сўм (1литр)
	1	2	3	4	5	6
1.	“Бибиширин” МФЙ	25 тн	хар 7 кунда	7 км	20000 сўм	20 сўм
2.	“Бошрабат” МФЙ	25 тн	хар 7 кунда	13 км	20000 сўм	20 сўм
3.	“Инкабод” МФЙ	30 тн	хар 7 кунда	20 км	20000 сўм	20 сўм
4.	“Ширинобод” МФЙ	25 тн	хар 7 кунда	8 км	20000 сўм	20 сўм
5.	“Пулхоким” МФЙ	30 тн	хар 7 кунда	25 км	20 000 сўм	20 сўм
6.	“Даштиғоз” МФЙ “Сарқамиш” қишлоғи	15 тн	хар 7 кунда	28 км	20000 сўм	20 сўм
7.	“Боғиболо” МФЙ	30 тн	хар 7 кунда	5 км	20000 сўм	20 сўм
8.	“Газа” МФЙ	20 тн	хар 7 кунда	6 км	20000 сўм	20 сўм